2014 йил 24 январь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 17 (12.578)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Бу саволга 2014 йилнинг 16-19 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисм ва муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар учун ўтказиладиган тест синовлари давомида жавоб олиш мумкин. Мазкур тест синовлари ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг мамлакатимиз олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномасини олиш учун номзодларни танлашнинг якуний босқичидир.***



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## ИМТИЁЗ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни янада рағбатлантириш ва ҳарбий хизмат нуфузини ошириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Қарорга мувофиқ, тегишли тавсияномага эга бўлган фуқаролар барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади. Номзодлар бундай тавсияномани олиш учун ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик, тест синовларини топшириш натижалари бўйича энг кўп балл тўплаши зарур.

Мазкур қарорда бундай тавсиянома зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодларгагина берилиши лозимлиги қайд этилган. Бу, ўз навбатида, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ҳарбий хизматни ўташ чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, армиямиз сафларини жисмонан соғлом, маънан етук ёшлар билан тўлдириш имконини беради.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига кириш учун тавсиянома бериш тартиби Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг қўшма қарорига биноан тасдиқланган махсус Низом билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳарбий хизматчиларнинг жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликка оид дастурларни ўзлаштириш даражаси ва билимини якуний баҳолаш учун масъул орган этиб тайинланган.

Таъкидлаш жоизки, тест синовлари мавзуга оид уч йўналиш – умумҳарбий, маънавий-маърифий тайёргарлик ва мантиқий саволлардан иборат. Саволлар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва муассасаларнинг етакчи мутахассислари томонидан Давлат тест маркази билан ҳамкорликда тузилган. Намунавий тест саволларида ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш дастурлари, уларнинг жанговар-хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган. Тест синовлари натижалари тегишли текширувдан ўтказилгач, ҳарбий қисм қўмондонлигига топширилади ва айнан шу маълумотлар жорий йил март-апрель ойларида ҳарбий хизматчиларни захирага бўшатиш жараёнида тавсияномалар беришда муҳим ўрин тутади.

Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий қисмлари ва муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ўз билимини синаб кўрди.

– Тест синовлари Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтди, – дейди Фарғона вилоятидан хизматга чақирилган оддий аскар Санжар Тошпўлатов. – Синов олдидан жуда ҳаяжонландим. Аммо тест топшириқларини бажарар эканман, синовга тайёргарлик жараёнида касбий кўникма тўплаш имконига эга бўлганимга ишонч ҳосил қилдим. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида ҳарбий ишни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўзида мужассам этган фанлар ҳамда ихтисосликлар, шунингдек, турли ижтимоий фанлар бўйича зарур билимга эга бўлмоқдамиз. Тест саволларига тўғри жавоб бердим, деб ўйлайман.

Тест синовлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**
**Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат**

## МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида Корея Республикаси ишбилармон доиралари делегацияси ташрифи давомида чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича Ўзбекистон — Корея бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган мамлакатимиз ва чет эллик тадбиркорлар ҳамда мутахассислар чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этди.***

Тадбир 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Жанубий Кореянинг қимматбаҳо чиқиндиларни қайта ишлайдиган «R&D Centre for Valuable Recycling» маркази ўртасида имзоланган Ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум доирасида ўтказилди.

Савдо-саноат палатасининг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Д.Расулов Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида барча соҳалар, шу жумладан, чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон — саноати ривожланиб бораётган мамлакат. Чиқиндиларни юқори технологиялар ёрдамида қайта ишлаш, уларни атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда утилизация қилиш долзарб масаладир. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуни ушбу йўналишдаги ишларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Мамлакатимизда чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган, уларни қайта ишлайдиган корхоналар сони кўпаймоқда. Мазкур бизнес-форумнинг ўтказилиши Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамда соҳа мутахассислари ўртасида тажриба алмашиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Тадбирда Жанубий Кореянинг турли чиқиндиларни қайта ишлаш билан шуғулланадиган «Pusung Recycling», «Emax Solution», «Recytec» ва бошқа компаниялари вакиллари сўзга чиқди. Ўтказилган тақдимот маросимларида улар электрон ва маиший техника, пластик идишлар, автомобиль шиналарини қайта ишлаш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. Кореялик тадбиркорлар Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати ривожланаётганини эътиборга олган ҳолда, автомобиль саноати чиқиндиларини қайта ишлаш услубини намойиш этди. Чиқиндиларни автоматик тарзда саралаш ва улардан қимматбаҳо моддалар олиш технологияси ўзбекистонлик тадбиркорлар эътиборини тортди.

– Бугунги бизнес-форум ўзбекистонлик шериклар билан чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг мантиқий давомидир, – дейди қимматбаҳо чиқиндиларни қайта ишлайдиган «R&D Centre for Valuable Recycling» марказининг ижрочи директори, доктор Бонг Гоу Чёо. – Шу мавзуда турли семинарлар ўтказилмоқда, Ўзбекистон ва Жанубий Корея компаниялари ўртасида шартномалар тузилмоқда. Ўзбекистонда чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ушбу соҳа жадал ривожланмоқда. Мазкур соҳада Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон ва Жанубий Корея компаниялари ўртасида қатор шартномалар имзоланди ва бу икки мамлакат учун чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда утилизация қилиш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Нукусда аграр сектор тармоқларини модернизация қилиш, олис қишлоқ ва овуллар инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда пахта, ғалла, пилла, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик маҳсулотлари етиштириш билан бир қаторда иссиқхоналар ташкил этиш, сервис хизмати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш учун банк ва солиқ тизимидаги имтиёз ва имкониятлар ҳақида фермерларга батафсил маълумот берилди.**

**• 2013 йилда Сирдарё вилоятида 55 аҳоли пунктида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тизими янгиланди. Президентимизнинг 2012 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ вилоятда 85 километрдан ортиқ янги сув қувурлари ётқизилди. Бунинг учун 7 миллиард 680 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 18 янги тик қудуқ қазилиб, 36 сув насоси, 18 янги сув минораси ўрнатилди.**

**• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган ўқув-семинари ўтказилди.**

**• Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали базасида янги ўқув-услубий марказ фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу марказ врачлар, акушер-гинекологлар, ҳамшираларнинг билим ва малакасини оширишига хизмат қилади.**

**• Андижонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Шимолий Американинг Индиана штатида жойлашган Пердью университети ҳудудида қуролланган кишининг ҳужуми натижасида битта одам ҳалок бўлди.**

**• Жаҳон банки сўнгги уч йил ичида биринчи марта дунё иқтисодиёти истиқболига оид ижобий прогнозларни эълон қилди. Унга кўра, жорий йилда жаҳон бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,4 фоиздан 3,2 фоизгача ўсади. Бунда саноати ривожланган давлатларнинг глобал молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиб, тикланиш жараёнига ўта бошлагани муҳим омил бўлиб хизмат қилади.**

**• АҚШлик Дэн Жордан, Спансер Ларсон ва Крис Логлин 87 соат давомида телевизор кўриб, Гиннеснинг рекордлар китобига кирди. Мазкур натижа Лас-Вегасда ташкил этилган электроника кўргазмаси доирасида қайд этилган. Тартибга кўра, иштирокчиларга ҳар соатда беш дақиқа танаффус қилишга рухсат берилган бўлиб, улар бу муддатни тўплаб, ухлаб олиш имкониятига ҳам эга бўлишган.**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2014 йил 28 январь куни соат 16.00 да шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз учинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунлари тўғрисида;

— Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчиликка риоя қилиниши аҳволи ҳамда бу борадаги прокурор назоратини янада кучайтириш чоралари ҳақидаги Тошкент шаҳар прокурорининг ахбороти;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳининг 2014 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида;

— бошқа масалалар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2013 йилги фаолияти таҳлили ҳамда Соғлом бола йилидаги устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермерлар кенгаши масъул ходимлари ва бошқа тегишли идоралар вакиллари иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М.Тешабоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар иқтисодиётимиз барқарорлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар натижасида янги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келаётир. Бунда соҳага оид ҳуқуқий асосларнинг нечоғли пухта ишлаб чиқилгани ва давр талаблари асосида янада такомиллаштирилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш билан боғлиқ 17 қонун ва улар асосида қабул қилинган 110 дан ортиқ қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилган.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат техника университетида ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий онгини юксалтиришга доир маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

✓ **КЕЧА** шаҳримиздаги 32-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида сузиш бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилиги бошланди.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Болалигим — подшолигим» деб номланган тадбир ўтказилади.

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қўмитанинг 2013 йилги қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, «Фермерлик фаолиятини ташкил этиш янада такомиллаштирилиши ва фермерлик ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси асосида Солиқ кодексига, «Фермер хўжалиги», «Деҳқон хўжалиги» тўғрисидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Фармонда белгилаб берилган имтиёзлар ва қатор имкониятларнинг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши мулкдорларга янада қулайлик яратмоқда.

Экспертларнинг таъкидлашича, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси фаолларининг ташаббуси билан тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг аграр қонунчилиги» китоби нафақат деҳқон-фермерлар, балки тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчи ва талабалари, тадқиқотчилар учун ҳам муҳим қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Айни пайтда «Ветеринария тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, «Асаларичилик тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида»ги янги қонунлар лойиҳалари тайёрланмоқда.

Йиғилишда аграр соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

# ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШИ

***Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш, Ижтимоий маданий ривожлантириш, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи иштирокида навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди.***

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунини амалга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорга мувофиқ, 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Тошкент шаҳридаги 475 та маҳаллада ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунлари ҳақида маълумот берилди.

Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани муносабати билан, Тошкент шаҳар ҳудудий дастури юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2013 йил 20 декабрдаги йиғилиши қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2013 йилдаги фаолияти кўриб чиқилиб, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчиликка қатъий риоя қилиниши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда доимий комиссиялар аъзоларининг 2014 йилга белгиланган вазифалари тақсимоти тасдиқланди. Доимий комиссиялар аъзоларига депутатлик фаолияти юзасидан шахсий иш режаларини бир ҳафта муддат ичида ишлаб чиқиб, доимий комиссияга тақдим этиш вазифаси топширилди.

Бўлиб ўтган йиғилишларда доимий комиссияларнинг 2014 йил учун тасдиқланган режасига асосан ҳар бир масала бўйича ўрганишга бириктирилган масъул депутатларнинг ўз вақтида масалани мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўрганиб чиқиши ва таҳлилий маълумотларни ўрнатилган тартибда муҳокама этиб бориши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, йил давомида ҳар бир депутатнинг сайлов округида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши, фуқароларни қабул қилиши, электрон почта орқали мулоқотни йўлга қўйиши, сайловчиларнинг фикрлари ва таклифларини ўрганиб чиққан ҳолда тегишли ижро органларига мурожаатлар қилиш, сўров натижалари бўйича лозим ҳолларда доимий комиссия йиғилишларида ва сессиялар кун тартибига муҳокама учун киритишни йўлга қўйилишининг кучайтирилиши таъкидланди.

Доимий комиссиялар йиғилишларининг ҳар чорагида депутатларнинг ҳисоботлари муҳокама этилиши белгилаб қўйилди.

Бўлиб ўтган йиғилишлар якунига кўра доимий комиссиялар томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий аҳволидан қатъи назар, ҳар бир ўғил-қизга меҳр-эътибор кўрсатиш, ёшларнинг билим олиши, қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши, жамиятга фаол интеграциялашуви учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.***

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури ва БМТ Кўнгиллилар дастурининг «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллилик» қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. «Моҳир ҳунарманд» ижтимоий мактаб лойиҳаси доирасида ўқувчилар Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига келди.

«Моҳир ҳунарманд» ижтимоий мактаб лойиҳасига пойтахтимиздаги 101-махсус мактаб-интернатнинг 15 нафар тарбияланувчиси ҳам жалб этилган. Лойиҳа доирасида қизларга ўқишдан бўш вақтларида анъанавий ва замонавий буюмлар тўқиш усули ўргатилади.

– Тўгарагимизда болаларга амалий кўникмалар берилади, – дейди тўқувчилик тўгараги раҳбари М.Умаралиева. – Бу жараёнда ҳар бир боланинг ижодий-интеллектуал салоҳияти, иқтидори алоҳида эътиборга олинади. Бу борада бизга устозлар ҳамда муассасамиз раҳбарияти яқиндан кўмак бермоқда. Ўқувчилар бугунги учрашувга турли буюмлар, уй-рўзғор ашёларини олиб келган.

Кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга кўмаклашиш, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-мурувват халқимизга хос азалий қадриятлардан. Икки авлод учрашувида ўқувчи-ёшлар ўзлари тўқиган кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмларини фахрийларга совға қилди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**

# УЧТЕПА ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

*Учтепа тумани ҳокимининг ҚАРОРИ*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларини асбоб-ускуналарини (бундан кейинги матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Учтепа туманида 2014 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловаға:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Ушбу қарор газетада эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримбеков зиммасига юклансин.

**Учтепа тумани ҳокими**
**А.Рустамов**

*2014 йил 13 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

***Шаҳримиз транспорти фаолиятини янада яхшилаш мақсадида «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси хайрли ишга қўл урди.***

Транспорт

# ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ МОСЛАМА

Йўловчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг вақтини тежаш мақсадида шаҳримиздаги автобус йўналишларининг саккизтасида қатнаётган автобусларнинг ҳар бирига янги «ЖПС» мосламаси ўрнатилди. Ушбу мослама орқали автобус қатнови ҳамда ҳайдовчининг хатти-ҳаракати назоратчилар томонидан кузатилади. Бу йўловчиларнинг бекатларда узоқ туриб қолмаслигини, ҳайдовчининг эса ўз ишига масъулият билан ёндашишини таъминлаши шубҳасиз.

Йил охиригача ҳар бир йўналишдаги автобусларга ана шундай мослама ўрнатилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ТОШКЕНТ БОТАНИКА БОҒИ ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ БОҒЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ

***Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтининг таркибига кирувчи 68 гектар майдонни ўз ичига олган Ботаника боғи 1950 йилда ташкил этилган бўлиб, дунёнинг энг яхши ва намунали ботаника боғлари қаторига киритилган.***

Боғда Европа, Қрим, Кавказ флористик воҳаси, шунингдек, Шимолий Америка, Марказий Осиё, Узоқ Шарқ флористик воҳаларида мавжуд бўлган ўсимликлар мавжуд. Шунингдек, боғ ҳудудида жойлашган ўсимликлар оранжереясида йил бўйи мўътадил ҳарорат ҳукм суради.

Айни дамда Ўзбекистон Ботаника боғини ободонлаштириш ҳамда замонавий масканга айлантириш бўйича қайта таъмирлаш ишлари бошланди. Ушбу ҳудудни ободонлаштириш бўйича лойиҳа тайёрлашда пойтахтлик архитекторларнинг бир гуруҳи Хитой Халқ Республикасида бўлиб, чет эл тажрибасини ҳам ўрганиб чиқишди.

— Ботаника боғининг асосий вазифаси биринчидан илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда талабаларни, яъни ёш кадрларни назарий олган билимларини ушбу ҳудудда амалда қўллашдан иборат, — дейди Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтининг директори Бобоқул Тўхтаев. — Шунингдек, боғда барча экспозицияларда 12 км маршрут ва экскурсия йўллари мавжуд бўлиб, 68 гектар майдонни эгаллаган. Ҳозирда ушбу масканни қайта таъмирлаб, янада кўркам қиёфага келтириш мақсадида фаолият олиб боряпмиз. Хусусан, боғга кириш дарвозаларининг кўриниши ҳамда уни таъмирлаш лойиҳаси тайёрланмоқда. Боғга саёҳат бюроси, йўлакларда эса ўзига хос фавворалар ўрнатилади, бунда табиий материаллар: тош ва ёғочдан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Шунингдек, боғ ўртасига сув ва ботқоқда ўсувчи ўсимликлар учун ҳам майдон ажратилиб, йўлакларга декоратив йўлак плиткалари ўрнатилиши режалаштирилган.

**«Туркистон-пресс»**



Миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда республика «Ҳунарманд» уюшмаси фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур уюшма томонидан турли кўргазмалар, аукционлар, кўрик-танловлар ва фестиваллар ўтказилиб, ҳунармандлар ишлаган халқ амалий санъатининг энг юксак намуналари кенг намойиш этилмоқда.

А.Азларов ҳам бу тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг ижод намуналари «Ташаббус» кўрик-танловида, халқаро кўргазмаларда юқори баҳоланган.

**СУРАТДА: ҳунарманд Акмал Азларов шогирдлари билан**

**Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат**

# «КАМОЛОТ» САФЛАРИДА ЁШЛАР ЖИПСЛАШМОҚДА

***Бектемир туман ҳокимлигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.***

Анжуманда сўзга чиққанлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан ёшларни Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, баркамол авлодни маънавий камол топтириш, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ривожлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимой ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби бир қатор йўналишларда тизимли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтиб, ёшлар ҳаётига дахлдор ушбу ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш доирасида бир қатор маданий-маърифий тадбирлар юқори савияда ташкил этилганлигини қайд этишди.

Жумладан, ҳаракатнинг туман Кенгаши томонидан ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган 74 та, маънавий-маърифий йўналишда 178 та, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, бандлигини таъминлаш борасида 34 та, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган 12 та, спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний камол топтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бағишланган ранг-баранг тадбирлар ташкил этилди. Бироқ ҳали амалга ошириладиган ишлар, янги лойиҳалар ҳам бисёр.

Конференция сўнгида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгашининг янги раиси сайланди ҳамда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, тумандаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

**Раъно АБДУҚОДИРОВА,**
**Тошкент Давлат педагогика университети талабаси**

